

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ ВА  
ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017. V/Qx.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШОВ НУРБЕК ЭРГАШОВИЧ**

**ГЕЛЬМИНТОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ**

**03.00.06–Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд-2018**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)  
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

а - 14234/2	услуг ва	.....3
Ногашов Н. Э.		.....3
Телешкоулар		.....25
за қарини қурани		.....25
нинг замонавий		.....25
услуг ва воситалар		.....25
ни	it	.....45
2018	—	.....45
		.....49

Самарқанд ветеринария медицинаси институти  
Ахборот ресурс марказига DSc 27.06.2017  
V/Qx.12.01 рақамли илмий кенгаш котиби Д.А.

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ ВА  
ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.V/Qx.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

А.С. Давидова  
07.2018

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШОВ НУРБЕК ЭРГАШОВИЧ

ГЕЛЬМИНТОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ

03.00.06—Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд-2018

SamVet Axborot-  
resurs markazi  
Ino № 14234/2

к

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/V5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samqxi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Орипов Анвар Орипович</b> ветеринария фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Салимов Бури Салимович</b> ветеринария фанлари доктори, профессор <b>Иззатуллаев Зубайдулло Иззатуллаевич</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Мавланов Собиржон Ибадуллаевич</b> ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология илмий тадқиқот институти</b>


Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва Чорвачилик, паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017 V/Qx 12.01 рақамли илмий кенгашнинг «31» июль 2018 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-уй. Самарқанд ветеринария медицинаси институти Тел.: (0366) 234-07-86; e-mail: saainfo2@edu.uz


Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№11 рақам билан рўйхатга олинган) Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-уй. Самарқанд ветеринария медицинаси институти тел.: +99866 – 2340786 e-mail: saainfo2@edu.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «16» июль куни тарқатилди.  
(2018 йил « 16 » июлдаги №11 рақамли реестр баённомаси)



  
**Р.Б.Давлатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет ф.д., профессор

  
**А.С.Даминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

  
**К.Н.Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда чорва молларининг гельминтозлари хусусан, нематодозлар-маршаллагияоз, нематодироз ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, диктиокаулёз, цестодозлар – монезиоз, авителлиноз ва трематодозлар-фасциолёз, парамфистаматозлар ва айрим худудларда орантобилъгарциознинг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Жаҳонда қорамолларнинг фасциолёз билан зарарланиши натижасида гўшт ва сут маҳсулотлари 10-30 %гача кам олинади, Россия Федерациясида бир йил давомида 1500-2500 тоннагача гўшт, 2-4 миллион тонна сут кам олинади аниқланган<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг паразитар касаликларини тарқалиши, даволаш, қарши курашнинг оптимал муддатларини ишлаб чиқиш ва уларни профилактика қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, чорва молларини трематодоз касалликларини бартараф қилиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда касалликлар кўзғатувчиларни ареалини, тур таркибини, биозкологик хусусиятларини ўз вақтида аниқлаш, уларга қарши илмий асосланган кураш, даволаш ва олдини олишда худудларнинг биоекографик ва экологик ҳолатини баҳолаш билан бирга олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда мустақиллик йилларида чорва молларининг инвазион касалликларини даволаш, олдини олиш борасида такомиллашган услуб ва воситаларни қўллаш натижасида бир қатор гельминтозлар - буностомоз, эзофагостомоз, хабертиознинг йўқолиши ва бошқа бир қатор гельминтозлар билан зарарланиш даражасининг кескин камайишига эришилди. Шунинг билан биргаликда мамлакатимизга четдан олиб келинаётган зотли қорамолларни турли паразитар касалликларга чалинишига қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларига қаратилган изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифа қилиб белгиланган». Бу борада чорва ҳайвонларини гельминтозларига қарши-курашнинг услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш, айниқса маҳаллий воситалар асосида паразитар касалликларга қарши замонавий антгельминтиклар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги қабул қилинган ПҚ-2460-сон

<sup>1</sup> Атаев А.М. Экономическая эффективность ветеринарных мероприятий при фасциолезе// Ветеринарии.- 1996.-№7.-С 26

«Чорвачиликда иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 1 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3026-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Дунёнинг турли мамлакатларида чорва ҳайвонлари, айниқса маҳсулдор ҳайвонлар гельминтозларини турли биоэкологик шароитларда тарқалиш даражаси, турли географик-иклим ҳудудларда гельминтозларнинг эпизоотологик ҳолати ва уларга қарши кураш чора-тадбирлар бўйича тадқиқотлар, жумладан: University of Michigan Animal Diversity Web (АҚШ), Laboratory of Medical Microbiology (Голландия), Department of Pathology, Bacteriology and Doultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine (Германия), Western Australian Centre for Pathology and Medical Research (Австралия), К.И.Скрябин номидаги Москва Давлат ветеринария тиббиёти ва биотехнология академияси, К.И.Скрябин номидаги Бутунроссия гельминтология институти, Россия ФАнинг Гельминтология лабораторияси (Москва), Ветеринария илмий-тадқиқот институтлари (Украина, Қозоғистон, Белоруссия, Озарбойжон, Грузия, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон) ва Ўзбекистонда олиб борилмоқда.

Чорва моллари трематодозлари, цестодозлари, нематодозлари томонидан етказиладиган зарар ва уларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлашга оид дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: республикамиз чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган ва турли даражада зарар етказадиган гельминтозлар ҳайвонлардан одамга ва одамдан ҳайвонларга ўтадиган гельминтозлар аниқланган (University of Michigan Animal Diversity Web); чорва молларида кечадиган турли паразитар касалликларни аниқ таъхислаш ва даволашда энг муҳим, яъни организмда кечаётган биокимёвий ва иммунобиологик жараёнлар аниқланган (Laboratory for Medical Microbiology, Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine); чорва молларининг асосий гельминтозларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган (University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences); турли ҳудудларда ҳайвонларнинг жигар ва ошқозон трематодозлари билан зарарланиш даражасини тезкор аниқлаш усули ишлаб чиқилган

<sup>2</sup> [www.umich.edu](http://www.umich.edu); [www.wur.ne](http://www.wur.ne); [www.universities.com](http://www.universities.com); [www.tulane.edu](http://www.tulane.edu)

(К.И.Скрябин номидаги Москва Давлат ветеринария тиббиёти ва биотехнология академияси); трематодозлар билан зарарланган хайвонлар организмда кечадиган биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар аниқланган (Қозоғистон).

Бугунги кунда дунёда хайвонларнинг гельминтозларини даволаш ва профилактика қилиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: паразитар касалликларнинг эрта ташхиси, ривожланиш механизмлари, организмдаги биокимёвий ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш, инвазион касалликларни прогноз қилишда ҳудуднинг биоэкологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаимизнинг турли географик иқлим шароитларида чорва молларининг гельминтоз касалликларининг эпизоотологик ҳолати, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича Н.В.Баданин, Я.Д.Никольский, Ф.С.Сарымсаков, И.Х.Иргашев, Ш.А.Азимов, Д.А.Азимов, Б.С.Салимов, А.О.Орипов, А.С.Даминов, С.Д.Дадаев ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек дунё миқёсида кўпчилик хорижий олимлар, жумладан, С.Н.Боев, Я.Г.Гаджиев, В.В.Горохов, Г.А.Григорян, Н.В.Демидов, Г.И.Диков, В.А.Киселев, В.В.Ковальский, Д.В.Бунтанин, I.J.Cunningham, J.H.Fincham, J.K.Pearsonлар томонидан турли географик минтақаларда чорва моллари ҳамда ёввойи хайвонларнинг гельминтозларини кўзгатувичиларининг эпизоотологияси, тур таркиби, келтириб чиқарадиган зарарлари аниқланган.

Бугунги кунда республикаимизнинг чорвачилик фермер хўжаликларига чорва молларида учрайдиган турли паразитар ва инвазион касалликларни даволаш, профилактика қилишда тежамли ва самарали усулларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқотлар Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ЗИ 1004 «Қорақўлчилик хўжаликларига гельминтозларнинг олдини олиш учун янги антгельминт-туз аралашмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2003–2004 йй.), П-16.9 «Чорва моллари гельминтозларига қарши янги услуб-воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2009–2011йй.), КХИ-10-002 «Қўй гельминтозларига қарши химиопротифлактик воситаларни такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2009–2010 йй.), ИКХ-2012-5-6 «Қорамол ва қўй-эчкиларнинг асосий гельминтозларига қарши маҳаллий антгельминт воситалар излаб топши, уларни синодан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2012–2013 йй.), ҚХИ-5-033-2014 «Маҳаллий хом ашё ва воситалар асосида чорва моллари гельминтозларига қарши янги даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2014–2015 йй.) ҳамда

ҚХА-9-021-2015 «Чорва моллари ва паррандаларнинг гельминтозларига қарши кураш усуллари ва омилларини такомиллаштириш, янги даволаш-профилактика воситаларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш» (2015–2017 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий ҳамда инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли географик ҳудудлар ва биоэкологик шароитларда чорвачиликнинг ҳозирги технологиясини ҳисобга олган ҳолда гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

чорва моллари асосий гельминтозлари эпизоотологияси бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ва гельминтозларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг оптимал муддатларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш тартибларини (схема) ишлаб чиқиш;

турли минтақа, ҳудуд ва хўжаликларнинг биоэкологик шароитлари – тупроқ(яйлов)нинг шўрланиши, тупроқ ва сувнинг кимёвий таркиби каби омиллар ва уларнинг гельминтозларнинг тарқалишига таъсирини аниқлаш;

гельминтозларга қарши профилактика ва даволашнинг янги, замонавий воситаларини яратиш ва уларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш;

турли типдаги чорвачилик хўжаликлари шароитида гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** чорвачилик хўжаликлари ва уларда сакланидиган чорва моллари – қорамол, қўй-эчкилар, турли минтақа ва ҳудудлардаги тупроқ ва сувнинг хусусиятлари (шўрланганлик даражаси, кимёвий таркиби, рН-водород ионлар концентрацияси ва бошқалар), гельминтлар, моллюскалар, гельминтозлар, антгельминт препаратлар, антгельминтли-туз аралашма ва яламалар, туз, бентонит, минерал ўғитлар, моллюскоцидлар.

**Тадқиқотнинг предмети** чорва молларининг ошқозон-ичак ва нафас олиш тизими органларида паразитлик қиладиган гельминтларнинг турли иқлим шароитларда тупроқ ва сувнинг кимёвий таркибига боглиқ ҳолда тарқалиши, уларнинг олдини олишда янги антгельминт аралашма ва яламалар ва айрим гельминтозларнинг оралиқ хўжайинларига қарши янги моллюскоцидлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг усуллари** гельминтологик, гельминтоооскопик, гельминтоларвоскопик, кимёвий, спектрал, биоэкологик, физиологик, клиник, гематологик.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда чорва молларининг асосий гельминтозлари ва уларнинг эпизоотологияси бўйича олинган маълумотлар асосида даволаш ва

профилактика қилишнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган;

турли хуудларда тупроқ ва сувнинг кимёвий таркиби бўйича олинган натижалар асосида гельминтозларнинг тарқалиши ва эпизоотик ҳолатига таъсири аниқланган;

микроэлементлар билан бойитилган антгельминт-туз аралашмалар, антгельминтли-туз яламалар ишлаб чиқилган ва уларнинг қўй-эчки ва қорамолларнинг асосий гельминтозларига қарши курашнинг самарадорлиги аниқланган;

гельминтозлар — фасциолёз, орентобильхарциоз ва парамфистоматозларга қарши курашда уларнинг оралик хўжайинларига қарши янги моллюскоцид воситалар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Республикада чорва молларининг асосий гельминтозларига қарши доволаш-профилактика чора-тадбирлари ва уларни амалга оширишнинг оптимал муддатлари ишлаб чиқилган;

қўй-эчкиларнинг асосий гельминтозларига қарши микроэлементлар билан бойитилган антгельминтли-туз аралашмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

қорамолларнинг гельминтозларига қарши янги таркибдаги антгельминтли-туз яламалар (АТЯ)ни тайёрлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

фасциолёз, орентобильгарциоз ва парамфистоматозларнинг олдини олиш учун маҳаллий воситалар (минерал ўғитлар, туз ва бошқ.) асосида янги моллюскоцидлар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги текширишларни гельминтологияда қабул қилинган гельминтологик ҳамда замонавий гематологик, клиник, кимёвий услублардан фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги, олинган натижалар амалиётда кенг қўламда қўлланилиб келаётганлиги, уларни амалиётдаги ветеринария мутахассислари томонидан юқори баҳоланганлиги, Давлат ветеринария қўмитаси томонидан маъқулланиб, тасдиқланган қўлланма ва тавсиялар тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотларининг илмий аҳамияти турли географик иқлим шароитларда гельминтозлар тарқалишининг тупроқ ва сувнинг айрим кимёвий таркибларига боғлиқлиги илк бор аниқланганлиги, гельминтозларга қарши такомиллаштирилган кимёвий профилактика усулининг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида бир қатор кенг тарқалган гельминтозларнинг кескин камайганлиги, гельминтозларнинг мавсумий динамикаси кўзгатувчиларининг биологияси ва бошқа эпизоотологик профилактик чора-тадбирларини амалиётга татбиқ этилиши соҳанинг ривожланишини таъминлайди.

Тадқиқотларнинг амалий ахамияти гельминтозлар тарқалишининг ҳозирги эпизоотологик ҳолати, уларга қарши курашнинг оптимал муддатларининг аниқланганлиги ва янги антгельминт аралашмалар, яламалар ҳамда моллюскоцид воситалар ишлаб чиқилганлигидир.

**Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши.** Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб воситалари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

«Гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2014 йил 11 августдаги 6-сон баённомаси). Натижада гельминтоз билан зарарланган қишлоқ хўжалик ҳайвонларини даволашда замонавий антгельминтик препаратларни режали тарзда ўз вақтида қўллаш орқали ҳайвонларнинг ушбу касаллик билан касалланиши сезиларли даражада камайишига эришилган;

«Қорақўлчилик хўжаликларида гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг замонавий услуб воситалари бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2010 йил 19 октябрдаги 36-сон баённомаси). Натижада республиканинг барча қорақўлчилик хўжаликларида гельминтоз билан зарарланиш 60–70 фоизга камайишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 200–300 млн. сўмни ташкил этган;

қўй гельминтозларига қарши албендазол, мис купороси ва туз аралашмасини қўллаш технологияси Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг қорақўлчилик хўжаликларида жорий этилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 01/13-208-сон маълумотномаси). Натижада қўй ва эчкиларнинг гельминтозлар билан зарарланиши 65–90 фоиздан 25–35 фоизгача камайган ва иқтисодий самарадорлик ҳар бир бош қўй ҳисобига 6355 сўмни ташкил этган;

чорва ҳайвонларининг гельминтозларга қарши кураш бўйича тупроқ ва сувнинг таркиби кўра яратилган янги антгельминтли-туз аралашмалар, антгельминтли-туз яламалар, моллюскоцид воситалар Бухоро, Навоий, Қашқадарё, ва Жиззах вилоятларининг қорақўлчилик, фермер, ёрдамчи ва шахсий хўжаликларида жорий этилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 01/13-208-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида майда шохли ҳайвонларининг ошқазон-ичак нематодозлари ва цестодозларига қарши қўлланилган кимёвий воситалар, турли антгельминт-туз аралашмаларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги ўртача бир бош ҳайвон ҳисобига 2400–7892 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий иш чоп этилган, шундан 6 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп

этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та, жумладан, 18 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган, ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда чорва молларининг асосий гельминтозлари ва уларнинг эпизоотологияси» деб номланган биринчи бобида асосий гельминтозларнинг эпизоотологияси ва даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, айниқса Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилган махсус илмий тадқиқотларнинг натижалари батафсил баён қилинган ва уларнинг назарий ва амалий моҳияти очиб берилган.

Аникланишича, Ўзбекистонда гельминтологик тадқиқотлар босқичма-босқич олиб борилган бўлиб, дастлаб чорва молларининг гельминтофаунаси бўйича маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилинган. Тадқиқотларнинг кейинги босқичларида асосий гельминтозлар ва уларнинг эпизоотологияси турли географик-иклим минтақалар, вилоятлар, худудлар, умуман турли биогеоценозларда чуқур ўрганилиб, ҳар бир алоҳида гельминтозлар ёки гельминтозлар гуруҳларига қарши кураш чора-тадбирлар тизим ва мажмуалари ишлаб чиқилган.

Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг татбиқ қилиниши натижасида, айниқса асосий гельминтозларга қарши кимёвий профилактика усули—фенотиазин, мис купороси ва туз аралашмасининг (ФМКТА) кенг кўламда амалиётга татбиқ қилиниши натижасида, бир қатор илгари кенг тарқалган гельминтозларнинг (буностомоз, эзофагостомоз, хабертиоз ва бошқ.) йўқ бўлиши, айримларининг (гемонхоз, остертагиоз, трихостронгилёз, коопериоз, диктиокаулёз ва бошқ.) эса тарқалишининг кескин камайиши кузатилмоқда. Ҳатто анолоцефалёзлар—мониезиоз, тизаниезиоз, авителлиноз ҳамда айрим ошқозон-ичак нематодозлари—маршаллагноз, нематодироз билан қорамол ва қўй-эчкиларнинг экстенсарланганлиги анча юқори даражада бўлса ҳам, бу гельминтлар билан зарарланишнинг интенсивлиги сезиларли камайган.

Шунинг билан биргаликда, айрим илгари оз учрайдиган ва катта эпизоотологик аҳамиятга эга бўлмаган гельминтлар, жумладан, трихоцефаллар билан зарарланганлик ошиб бормокда.

Адабиёт маълумотлари, махсус тадқиқотлар натижаларининг таҳлили чорва молларининг асосий гельминтозлари (ларвал цестодозлардан ташқари) куйидагилар эканлиги аниқланган:

- қорамолларда–фасциолёз, ориентобильгарциоз, парамфистоматозлар, дикроцелиоз, мониезиоз ва ошқозон-ичак стронгилятозлари (остертагиоз, трихостронгилёз, маршаллагииоз, нематодироз ва бошқ.);

- кўй-эчкиларда – фасциолёз, айрим худудларда ориентобильгарциоз ва парамфистоматозлар, дикроцелиоз, аноплосефалитозлар (мониезиоз, тизаниезиоз, айрим худудларда авителлиноз), ошқозон-ичак нематодозлари – маршаллагииоз, нематодироз, остертагиоз, трихостронгилёз, охириги йилларда тез-тез учрайдиган трихоцефалёз, ҳамда диктикаулёз;

Гельминтозларнинг тарқалиши мавсумий ва хайвон ёшига қараб ўзгариши, кўзгатувчиларининг биологияси ва бошқа эпизоотологик хусусиятлари турли географик-иклим минтакаларда, турли биоэкологик шароитларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг илмий асоси бўлиши мақсадга мувофиқ.

Республикамизнинг суғориладиган тоғ ва тоғ олди ҳамда чўл-яйлов минтакаларида чорва моллари–қорамол ва кўй-эчкиларнинг асосий гельминтозларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларни куйидаги оптимал муддатларда ўтказиш лозимлиги аниқланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Гельминтозларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирлар ва уларнинг оптимал муддатлари

Гельминтозлар	Хайвонлар тури	Режали (даволаш) дегельминтизацияси			Профилактика чора-тадбирлари
		Суғориладиган минтакада	тоғ-тоғ олди минтакада	чўл-яйлов минтакада	
фасциолёз, ориентобильгарциоз, парамфистоматозлар	қорамол ва кўй-эчкилар	I - апрель-май II - август-сентябрь III - ноябрь-декабрь	I - апрель-май II - август - сентябрь III - декабрь	I - апрель-май II - ноябрь-декабрь	Фасциола ва ориентобильгарциоз, парамфистоматларнинг оралик хўжайинлари - чучук сув моллоскаларининг йўқотиш (апрелдан-сентябргача)
Дикроцелиоз	Кўй-эчкилар ва қорамоллар	I - январь II - июль - август	I - декабрь II - июль	десярли учрамайди	Дикроцелияларнинг оралик (курукликда яшовчи моллоскалар) ва қўшимча

					(чумолилар) хўжайинларини йўқотиш (март- октябрь)
Мониезоз, (ва бошқа аноплоцефа лятозлар)	кўй-эчки	I - апрель II - сентябрь	I - апрель - май II - июль -август	I - март - апрель (тўлдан кейин)  II- август - сентябрь	Антгельминг-туз аралашмаларни қўллаш чўл-яйлов минтақада— октябрдан май-нинг охиригача, тоғ-тоғ олди ва сугориладиган минтакаларда - йил давомида
	қора- моллар (яйловда бокила- диган)	I - апрель II - октябрь- ноябрь	I - май II - сентябрь -октябрь	I - апрель II - октябрь - ноябрь	Антгельминг-туз яламаларни қўллаш (йил даво-мида)
Ошқозон- ичак нематодоз- лари	кўй- эчкилар	I - апрель II - июнь - июль III- октябрь- ноябрь	I - май II - июль III- сентябрь	I - март - апрель II - ноябрь кўзиларни бир марта- сентябрь- октябрда	Антгельминг-туз аралашмаларни қўллаш чўл-яйлов минтақада октябрдан май ойининг охири- гача, сугорилади-ган, тоғ ва тоғ олди минтакаларда йил давомида
	Қорамол- лар (яйловда бокила - диган)	I - апрель II - июль III - ноябрь	I - май II - июль III - сентябрь - октябрь	I - март - апрель II-ноябрь - декабрь	Антгельминг-туз яламаларни қўллаш (йил давомида)
Дикти- каулэз	Кўй- эчкилар	I - апрель II - июль III - ноябрь	I - май II - июль III - сентябрь - октябрь	I - март (тўлдан кейин) II - сентябрь - октябрь	Антгельмингли-туз аралашмаларни қўллаш (йил давомида)

Диссертациянинг «Тупроқ (яйлов) ва сувнинг кимёвий таркиби ва айрим хусусиятларининг гельминтозлар тарқалишига таъсири» деб номланган иккинчи бобида гельминтлар ва улар чакирадиган гельминтозларнинг тарқалишига турли ҳудуд ва минтакаларда тупроқ (яйлов) ва сувнинг шўрланганлик даражаси, тупроқ таркибидаги айрим макро ва микроэлементлар, сувнинг таркибидаги тузлар миқдори – минерализация кўрсаткичи, унинг муҳити (рН) ва бошқа хусусиятларининг

чорва моллари асосий гельминтозларига таъсири бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ва бу йўналишда олиб борилган махсус тадқиқотларнинг ҳажми, объекти, текшириш услублари ва натижалари баён қилинган.

Жумладан, тупроқнинг кимёвий таркиби ва айрим хусусиятларини аниқлаш мақсадида республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг чорвачилик хўжаликларидан 28 та намуналар олиниб улар Самарқанд Геология корхонасида замонавий услублар ёрдамида текширилган.

Тупроқ таркибида кальций оксиди ( $\text{CaO}$ ), фосфор оксиди ( $\text{P}_2\text{O}_5$ ), калий оксиди ( $\text{K}_2\text{O}$ ), натрий оксиди ( $\text{Na}_2\text{O}$ ) миқдори кимёвий таҳлил усули билан, магний ( $\text{Mg}$ ), марганец ( $\text{Mn}$ ), кобальт ( $\text{Co}$ ), мис ( $\text{Cu}$ ) ва натрий ( $\text{Na}$ ) элементларнинг соф ҳолдаги миқдори спектрал таҳлил асосида, тупроқ муҳити ( $\text{pH}$ ) оддий кимёвий усул – титрлаш орқали аниқланган.

Тупроқ таркиби аниқланган ҳудудлардаги чорва моллари ва аҳоли фойдаланадиган сув манбаларидан 25 та сув намуналари олиниб, уларнинг ҳам кимёвий таркиби, шўрланганлик даражаси, муҳити ( $\text{pH}$ ), сув таркибидаги макро-микрэлементлар ва бошқа физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотларнинг иккинчи қисми тупроқ ва сувнинг кимёвий таркиби ва бошқа хусусиятларнинг чорва моллари – қорамол ва қўй-эчкиларнинг асосий гельминтозлари тарқалиши ва уларнинг кўзгатувчилари, кўзгатувчиларнинг оралик хўжайинлари биологиясига таъсирини аниқлашга бағишланган.

Бунинг учун тупроқ(яйлов)нинг шўрланганлик даражаси ва кимёвий таркиби ҳар хил бўлган ҳудудлардаги чорвачилик хўжаликлари моллари гельминтологик усуллар билан текширилиб, уларнинг турли хил гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланган ва бу кўрсаткичларни тупроқ хусусиятлари кўрсаткичлари билан солиштириб таҳлил қилинган.

Худди шу тартибда турли вилоят ва туманлардан олинган сув намуналарининг хусусиятлари аниқланиб, бу омилларнинг ҳам гельминтозлар тарқалишига таъсири аниқланган.

Олинган натижалар тупроқ ва сувнинг шўрланганлик даражаси, кимёвий таркиби ва бошқа хусусиятлари билан чорва моллари гельминтозларнинг тарқалиши ўртасида боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Жумладан, қорамолларнинг гельминтозлар билан умуман зарарланганлиги шўрланмаган ҳудудларда 67,6%, шўрланган ҳудудларда 52,1% эканлиги, бу ҳудудларда фасциолёз билан зараланганлик мутаносиб тарзда 52,5 ва 17,2%, дикроцелиоз билан 13,6 ва 6%, ошқозон-ичак нематодозлари билан 59,0 ва 28,3%, мониезизоз ва бошқа анопцефалёзлар билан 5,2 ва 16,8 фоизни ташкил қилади (2-жадвал).

**Сугориладиган ерлар шўрланмаган ва шўрланган воҳаларда  
қорамоллар асосий гельминтозларнинг тарқалиши**

Воҳа (худуд)лар	Текширилган мол сонни (бош)	Умумий зарарланганлик ЭЗ, %	Алоҳида гельминтозлар билан ЭЗ, %			
			фасциолёз	дикроце-лиоз	ошқозон-ичак нематодозлари	мониезиоз ва бошқа анопл-оц
Шўрланмаган	1284	67,6	52,5	13,6	59,0	5,2
Шўрланган	1610	52,1	17,2	—	28,3	16,8
Умуман сугориладиган минтақада	2894	58,9	32,9	6,0	42,0	11,8

Шўрланганлик даражаси турлича бўлган худуд(воҳа)ларда кўй-эчкилар гельминтозларининг тарқалишини аниқлаш натижалари ҳам бу омилнинг гельминтозлар тарқалишига таъсирдан далолат беради: шўрланган худудларда кўй-эчкиларнинг гельминтозлар билан умуман зарарланганлиги (ЭЗ, %) тупроғи шўрланмаган худудларда энг юкори (92,6%), ўртача шўрланган худудларда 80,5 ва кучли шўрланган воҳаларда 69,1 фоизни ташкил қилган. Бу худудларда мутаносиб тарзда кўйларнинг маршаллагиноз билан зарарланганлиги 35,6, 42,9, 51,6%, нематодироз билан 45,4, 27,9, 44%; бошқа ошқозон-ичак нематодозлари (остертагиоз, трихостронгилёз, трихоцефалёз ва бошқ.) билан 63,5, 36,1, 30,6%; мониезиоз билан 14,7, 7,6, 8,2%; фасциолёз билан 25,0, 1,63, 15,3% ва диктикаулёз билан 51,9, 27,8, 15,7% эканлиги аниқланган (3-жадвал).

**Тупроқ (яйлов)нинг шўрланиш даражаси турлича бўлган  
худудларда кўй гельминтозларининг тарқалиши**

Яйлов (тупроқ)нинг шўрланиши	Текширилган кўй сонни, (бош)	Умумий зарарланганлик бош, %	Алоҳида гельминтозлар билан ЭЗ, бош, %					
			маршаллагиноз	нематодиро <sup>3</sup>	бошқа о/и нематодозл ари	мониезиоз	фасциолёз	диктикаулёз
Шўрланма-ган худудлар	839	777 92,6	299 35,6	381 45,4	533 63,5	123 14,7	210 25,0	436 51,9
Ўртача шўрланган худудлар	1453	1180 80,5	629 42,9	410 27,9	529 36,1	112 7,6	24 1,63	408 27,8
Кучли шўрланган худудлар	450	311 69,1	232 51,6	198 44,0	138 30,6	37 8,2	69 15,3	71 15,7
Барча худудлар бўйича	2742	2268 82,32	1160 42,10	989 35,9	1200 43,6	272 9,8	303 11,0	915 33,3

Тадкикотлар шундан далолат берадики, тупроқ(яйлов)нинг нафақат шўрланганлик даражаси балки унинг таркибидаги микроэлементлар ҳам гельминтозлар тарқалишига таъсир қилади. Жумладан, тупроқ таркибидаги мис (Cu) микроэлементининг миқдори 0,002% ва ундан кам бўлган ҳудудда кўй-эчкиларнинг 91,3% умумий гельминтозлар билан, уларнинг 48,6% маршаллагияоз, 50,9% нематодироз, 49% бошқа ошқозон-ичак нематодозлари, 19,4% мониезиоз ва 19,1% диктикаулёз билан зарарланган.

Бу кўрсаткичлар тупроқ таркибидаги миснинг миқдори ўртача, яъни 0,003–0,004% бўлган ҳудудда мутаносиб тарзда 94,8, 80,0, 28,8, 51,8, 10,3 ва 8,1%, тупроқдаги мис миқдори 0,005–0,006 % бўлган ҳудудда эса 79,2, 61,4, 17,3, 44,2, 6,2 ва 25,5% эканлиги аниқланди. Асосий гельминтозлардан бўлган фасциолёз эса фақат II ҳудуд, яъни тупроқда мис миқдори ўртача (0,003–0,004%) бўлган ҳудудларда ва 34% қўйларда аниқланган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

Тупроқ таркибидаги миснинг миқдори турлича бўлган ҳудудларда қўйлар гельминтозларининг тарқалиши, ЭЗ, бош %

Худудлар (вилоят ва туманлар)	Текширилган қўй сон, бош	Умум. зарарланганлик (ЭЗ) бош, (%)	алоҳида гельминтозлар билан ЭЗ, бош, %					
			маршаллагияоз бош (%)	нематодироз бош (%)	бошқа о/и нема-тодозлари бош (%)	мониезиоз ва бошқа аноп-лоц.	фасциолёз	диктикау-л-ёз
I. Миснинг миқдори 0,002%	438	400 91,3	213 48,6	223 50,9	215 49,0	85 19,4	—	84 19,1
II. Миснинг миқдори 0,003–0,004 %	135	128 94,8	108 80,0	39 28,8	70 51,8	14 10,3	46 34,0	11 8,1
III. Миснинг миқдори 0,005–0,006 %	657	521 79,2	404 61,4	114 17,3	291 44,2	41 6,2	—	168 25,5
Жами, ўртача	1230	1049 85,3 %	725 58,9%	376 30,5%	576 46,8%	140 11,4%	46 3,7	263 21,4

Тадқиқот натижалари гельминтозларнинг тарқалишига сувнинг шўрланганлиги, унинг минерализацияси, яъни сув таркибидаги тузлар, минерал моддалар миқдори ҳамда сув муҳити (рН)нинг гельминтозлар, айниқса, асосий гельминтозлар ҳисобланадиган фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматозларнинг эпизоотологиясига

бевосита таъсир кўрсатиши, бу гельминтозлар тарқалишининг асосий омили эканлигидан далолат беради.

Бу гельминтозлар қўзғатувчиларининг оралик хўжайинлари – Lymnaeidae ва Planorbidae оилалари моллюскалари сув таркибидаги тузлар миқдори 4 мг/кг ва ундан кўп бўлганда ҳамда, аксинча 1 мг/кг ва ундан кам бўлган сув манбаларида яшайолмаслиги аниқланган. Сув мухити (рН) ҳам моллюскалар биологиясига таъсир кўрсатади: сув мухитининг моллюскалар учун энг оптимал кўрсаткичи кучсиз ишқорий (7,8) эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Гельминтозларга қарши курашнинг янги услуб-воситалари ва уларнинг биоэкологик асослари» деб номланган учинчи бобида гельминтозларга қарши курашда янги, асосан гельминтозларнинг олдини олиш, яъни профилактика қилишга йўналтирилган услуб-воситаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, бу йўналиш бўйича адабиёт маълумотлар, тадқиқотларнинг ҳажми ва натижалари баён этилган.

Турли таркибдаги антгельминт-туз аралашма (АТА)ларнинг қўйлар томонидан истеъмол қилиниши натижалари I-аралашма, яъни таркибига махсус антгельминт препарат (албендазол)дан ташқари 6 хил микроэлементлар (Cu, Zn, Mn, Mg, I, Co) тузлари қўшилган мураккаб таркибли АТА қўйлар томонидан энг кўп миқдорда – ўртача бир кунда 7,88 граммдан, II-таркибига бентонит қўшилган аралашма ўртача – 7,81 граммдан ва фақат антгельминт препарат мис купороси ва туздан иборат 0,02:1:98,98 нисбатдаги аралашма 7,2 граммдан, назорат сифатида берилган туз (ош тузи) эса энг оз – 6,49 граммдан истеъмол қилиниши аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал

Турли хил АТАларнинг қўйлар томонидан истеъмол қилиниши (ўртача бир бош қўй, бир кунда, гр).

аралаш-малар ва уларнинг таркиби	ОЙЛАР											ўрта-ча йил давомида	
	X	XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII		IX
I-аралашма албендазол - 0,2% мис купороси - 1% цинк (сульфат) - 0,1% марганец (сульфат) -0,05% магний (сульфат) - 0,05%	7,61	8,75	11,66	11,4	10,4	12,7	14,9	10,5	8,04	11,0	10,5	4,54	7,88

Sam... Axborot-  
resurs markazi  
Inv № 14234/2

натрий йод - 0,005% кобальт хлор - 0,025% туз (ош тузи) - 98,57%													
II-аралашма: албендазол - 0,02% мис купороси - 1% бентонит - 49,98% туз (ош тузи) - 49%	-	4,6	10,9	10,0	6,45	10,7	10,3	3,7	-	-	-	-	7,81
III-аралашма (таккослаш учун) албендазол - 0,02% мис купороси - 1% туз (ош тузи) - 98,98%	-	4,65	10,9	9,7	5,26	8,2	5,96	7,0	-	-	-	-	7,2
IV-(назорат) туз (ош тузи)	-	9,4	11,3	8,8	3,9	7,2	9,0	10,8	-	-	-	-	6,49

Мураккаб таркибли, яъни таркибига 0,2% албендазол, 1% мис купороси ва 0,005-0,1% турли хил микроэлементлар (Cu, Zn, Mn, Mg, I, Co) қўшилган АТА қўйларнинг асосий гельминтозларини профилактика қилиш, касалликнинг клиник намоён бўлишининг олдини олиш хусусиятига эга эканлиги аниқланган. Бу аралашманинг ЭС маршаллагиозга нисбатан 25% нематодирозга нисбатан 50% бўлиб, бу ва бошқа гельминтозлар (ошқозон-ичак стронгилятозлари, мониезиоз)га қарши ИС яққол юқори даражада, фасциолёзга қарши эса 37,5% бўлиши аниқланган (6-жадвал).

6-жадвал

**Мураккаб таркибли АТАнинг интенессамардорлигини (ИС) стандартлаштирилган гельминтоовоскопия усули билан аниқлаш натижалари (1 томчида ўртача туҳумлар сони)**

Гуруҳлар	Мар-шал-лагия	Немато-дирус	Бошқа о/и стронгилятлари	мониезия	фас-циола
тажриба	0,8	2,2	3,2	15,0	5,0
назорат	5,0	6,6	10,0	105,0	8,0
ИС, %	84,0	66,7	68,0	85,8	37,5

Таркибидаги махсус антгельминт восита – албендазолнинг миқдорини 0,2% қилиб тайёрланган АТА фасциолёздан ташқари ( фазиолёзга ЭЭ-18,6%, ИИ 77,5%) бошқа асосий гельминтозларга қарши 100% экстенс ва интен самара кўрсатилган (7-жадвал).

7-жадвал

**Таркибидаги албендазол миқдори 0,2% бўлган АТАнинг антгельминт самараси**

Тажриба даври, қўй бош сон (n)	Экстенсарланганлик									
	маршал-лагия		немато-дирус		бошқа о/и стронг.		моннезия		Фасциола	
	бош	%	бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
Тажрибадан олдин n=18 бош	3	16,6	2	11,1	17	94,4	1	5,5	13	72,2
Ўртача ИЗ нусха	8,6		95		125,0		14,0		41,5	
Тажриба охирида n=17 бош	–	–	–	–	–	–	–	–	10	58,8
ИЗ, нусха	–		–		–		–		15,9	
ЭС, %	100,0		100,0		100,0		100,0		18,6	
ИС, %	100,0		100,0		100,0		100,0		77,5	

